O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

2022 - yil 7 - aprel 346-14-0-Q/22 Toshkent shahar hokimligi

Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ер участкасига ижара ҳуқуқининг минимал қийматини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, 9-сон, 320-модда), Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 429-моддасига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2019 йил 31 декабрь), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 8 июлдаги “Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6243-сон Фармонга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 2021 йил 9 июнь) ва Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 2022 йил 14 февраль) мувофиқ ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2022 йил 8 январдаги мурожатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ер участкасига (кейинги ўринларда – ер участкаси) ижара ҳуқуқининг минимал қиймати иқтисодий зоналар кесимида 1-иловага мувофиқ;

Тошкент шаҳрида ер участкасига ижара ҳуқуқининг минимал қиймати туманлар кесимида 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Ю.Насимжонов) Тошкент шаҳрида ер участкасига ижара ҳуқуқининг минимал қиймати у тасдиқланган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат солиқ хизмати органлари томонидан «Yerelektron» АА Тга киритилиши таъминлансин.

3. Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси (Б.Ташходжаев), туман ҳокимликлари:

электрон онлайин-аукцион орқали реализация қилишга мўлжалланган бўш ер участкаларини рўйхати шакллантирилсин;

ер участкалари бўйича келишилган ёки ижобий хулоса берилган кундан бошлаб беш иш куни ичида ер участкасига ижара ҳуқуқининг минимал қиймати асосида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ер участкасининг бошланғич нархини белгиласин.

4. Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Ю.Насимжонов), Кадастр агентлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси (Б.Ташходжаев), туман ҳокимлари Тошкент шаҳрида тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун бўш турган қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ер участкаларини электрон онлайн-аукцион орқали ижарага бериш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сон қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини мулк ҳуқуқи ва ижара ҳуқуқи асосида электрон онлайн-аукцион орқали бериш тартиби тўғрисида”ги Низом талабларига асосан амалга оширилиши таъминлансин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш

бўлими (А.Ахмаджонов):

мазкур қарор расмий эълон қилиниши ва www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

6. Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 7 сентябрдаги 233-14-0-Q/21-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров зиммасига юклатилсин.

Toshkent shahar hokimi **ARTIKXODJAYEV J. A.**

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2022 йил 7 апрелдаги
346-14-0-Q/22-сон қарорига
1-илова

Тошкент шаҳрида қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ер участкасига ижара ҳуқуқининг минимал қиймати иқтисодий зоналар кесимида

№	Зоналар*	Юридик шахслардан ундириладиган ер солиғи ставкалари, 1 га учун, сўмда	Муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш нуқталарининг мавжудлиги коэффициенти	Жами	Қўшимча
1	1-зона	220 000 000	100	**22 000 000 000**	Ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ишларининг қиймати ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид харажатлар миқдори **
2	2-зона	175 000 000	100	**17 500 000 000**	
3	3-зона	135 000 000	100	**13 500 000 000**	
4	4-зона	90 000 000	100	**9 000 000 000**	
5	5-зона	45 000 000	100	**4 500 000 000**	

Изоҳ: * Тошкент шаҳрида зоналар чегараси Тошкент шаҳар ҳокимининг 2021 йил 15 декабрдаги 551-14-0-Q/21-сонли қарорида белгиланган.

** Давлат кадастрлари палатаси Тошкент бошқармасининг туман филиаллари ҳамда Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаси томонидан ер участкасини танлаш материалларини тайёрлаш ишларининг қиймати ва ер участкасига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказишга оид харажатларни инобатга олган ҳолда ер участкасининг бошланғич нархини белгилайди

Тошкент шаҳар ҳокимининг
2022 йил 7 апрелдаги
346-14-0-Q/22-сон қарорига
2-илова

Тошкент шаҳрида ер участкасига ижара ҳуқуқининг минимал қиймати туманлар кесимида

№	Туманлар номи	Зоналар бўйича (1 га учун, сўмда)				
		1-зона	2-зона	3-зона	4-зона	5-зона
1	Бектемир				9 000 000 000	4 500 000 000
2	Мирзо Улуғбек	22 000 000 000	17 500 000 000	13 500 000 000	9 000 000 000	4 500 000 000
3	Миробод	22 000 000 000	17 500 000 000	13 500 000 000	9 000 000 000	4 500 000 000
4	Олмазор	22 000 000 000	17 500 000 000	13 500 000 000	9 000 000 000	
5	Сергели				9 000 000 000	4 500 000 000
6	Учтепа				9 000 000 000	4 500 000 000
7	Чилонзор	22 000 000 000	17 500 000 000	13 500 000 000	9 000 000 000	
8	Шайхонтоҳур	22 000 000 000	17 500 000 000	13 500 000 000	9 000 000 000	
9	Юнусобод	22 000 000 000	17 500 000 000	13 500 000 000	9 000 000 000	4 500 000 000
10	Яккасарой	22 000 000 000	17 500 000 000	13 500 000 000	9 000 000 000	
11	Яшнобод	22 000 000 000	17 500 000 000	13 500 000 000	9 000 000 000	4 500 000 000
12	Янгиҳаёт				9 000 000 000	4 500 000 000